

**Х У К М**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

2024 йил октябрь ойининг “31” куни жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди, “Уч ариқ” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, Риштон туман судининг судьяси Н.Аюбжоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бойкараевнинг котиблигида, туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Холмаматов, судланувчи Т.Мирзарахимовнинг химоячиси С.Абдураззақовларнинг иштирокида, Мирзарахимов Тохиржон Тожалиевичга нисбатан юритилган 1-1515-2402/253-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Судланувчи Мирзарахимов Тохиржон Тожалиевич**, 22.09.1990 йилда Риштон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Риштон тумани, “Дашт Пандигон” МФЙ, Юксалиш кўчаси 43-уйда яшовчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида “гаров” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 25.10.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг химоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Судланувчи Т.Мирзарахимов, 2024 йилнинг 5 октябрь куни соат 12:00 ларда Ўзбекистон Республикаси ва қўшни Қирғизистон Республикаси ўртасида давлат чегарасини Риштон тумани, Боғистон маҳалласи худудидан ўтган қисмига келиб, ён-атрофни кузатиб, давлат чегарасини қўриқлаб турган харбий хизматчилар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, қўшни Қирғизистон Республикаси ўртасидаги давлат чегарасини бузиб, айланма йўллар орқали қонунга ҳилоф равишда ҳуқуқий ҳужжатлар ва кириш-чиқиш руҳсатномаси бўлмагани ҳолда белгиланган тартибни бузиб, назорат ўтказиш пунктини четлаб, “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги 20.08.1999 йилдаги 820-І-сонли қонунининг 12-моддаси ва 15-моддаси 1-қисмини, “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида Ўзбек-Қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида” 04.10.2017 йилдаги 447-сонли қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини



ташқил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 18.11.2019 йилдаги 912-сонли қарори ва унга илова қилинган низом талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракатланиб келаётган вақтида, ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган 9223-сонли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан қўлга олинган.

Судланувчи Т.Мирзарахимов, судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2024 йил май ойида пул топиб ишлаб келиш мақсадида Риштон тумани ҳудудида жойлашган чегара пункти орқали қонуний тартибда Қирғизистон Республикасига ўтгани, у Қирғизистон Республикаси, Баткен вилоятига, Қадамжой туман, Оқ қалпоқ қишлоғида яшовчи “Мухторали” исмли шахснинг уйига бориб, у ерда қурилиш ишларини олиб боргани, у ерда ишлаб юрганида фуқаролик паспортини йўқотиб қўйгани, 2024 йил 05 октябрь куни барча ишларини тугатиб, Ўзбекистон Республикасига қайтишни ўйлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаси чегара ҳудудини кузатиб туриб, Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти, Қадамжой тумани “Тарговий” чегара ҳудудидан айланма йўллар орқали Риштон тумани, “Боғистон” МФЙ ҳудудида жойлашган Ўзбек-Қирғиз чегарасининг сим тўсиқларини орасига кириб, Ўзбекистон Республикаси аскарларни чақириб, фуқаролик паспорти йўқлиги сабабли шу йўллар билан Ўзбекистон Республикасига ўтмоқчилигини айтмоқчи бўлгани, аммо улар уни гапини эшитмаганлиги сабабли чегара симларидан ўтиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтгани, шундан сўнг у Ўзбекистон Республикаси чегара пост аскарлари томонидан қўлга олингани, ушбу чегарадан фуқаролик паспорти йўқлиги сабабли иложсизликдан ўтгани, ҳозирда оилавий шароити оғирлигини, пушаймонлигини инобатга олиб. Қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Н.Хайдаров, ҳақиқатдан ҳам у 9223-сонли ҳарбий қисмда ҳайдовчи сифатида ишлаб келиши, 2024 йил 05 октябрь куни ҳарбий қисмда бўлган вақтида, соат 12:50 ларда ЧҚВ командирининг қуроллан командаси берилганини, унга кўра ҳарбий қисмда бўлган жанговор наряд дарҳол автомашинага чиқишганини, сўнг у автомашинани айтилган манзилга олиб борганидан сўнг жанговор таркиб автомашинадан тушиб, чегара ҳудудига боришганини, у ерда чегара ҳудудида хизмат олиб бориб турган ходимлар қўшни Қирғизистон Республикасидан айланма йўллар орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтган шахсни улашган эканликларини, ходимлар уни ким ва нима мақсадда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келмаганлигини сўраганида, у шахс ўзини Мирзарихимов Тохиржон эканлигини, қўшни Қирғизистон Республикасида ишлаб юрган вақтида паспортини йўқотиб қўйганлигини, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига айланма йўллар орқали кириб келганлигини айтганини билдириб, кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ И.Юлдашев, ҳақиқатдан ҳам 9223-сонли ҳарбий қисмда хизмат ити йўриқчиси сифатида ишлаб келиши, 2024 йил 05 октябрь куни ЧҚВ командирининг Давлат чегараси кўриқлаш ва ҳимоя қилиш режасига асосан соат 11:00 дан 17:00 гача 4Ф1-5Н8 соҳасида “МТГ” чегара



наряди этиб тайинлангани, хизмат ўташ пайтида шу куни соат 12:40 ларда кўшни давлат ҳисобланган Қирғизистон Республикаси ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 1 нафар номаълум шахс ўтиб келаётганлигини кўргани, шундан сўнг кузатув ишларини олиб борганида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахс чегара ҳудудини босиб ўтганини ва уларни ҳудудга кириб келганини, кейин улар ушбу кейин танигани Т.Мирзарахимовни тўхтатиш ва ушлаш чораларини кўриб, белгиланган тартибда ушлаганликлари, шундан сўнг ушбу ҳолат ҳақида вазодга хабар хатар гуруҳини чақирганини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи Т.Мирзарахимовнинг содир этган жинояти, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари, Ўзбекистон республикаси Давлат чегарасининг бузилиши ҳақидаги баённома (и.в.4), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотоилловаси (и.в.6), маъмурий тартибда ушлаб туриш баённомаси (и.в.7) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Т.Мирзарахимовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига киришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар тарафидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи Т.Мирзарахимовга нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Судланувчи Мирзарахимов Тохиржон Тожалиевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.



Т.Мирзарахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан уй жойи, яъни Риштон тумани, “Дашт Пандигон” МФЙ, Юксалиш кўчаси 43-уйдан иш вақтидан, иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқишни чеклашдан иборат 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Риштон тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Т.Мирзарахимовга жазони ўташ даврида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида белгиланган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Т.Мирзарахимовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда гаровга қўйилган 7.500.000 сўм пуллар Т.Мирзарахимовга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**  
**Ҳукм нусхаси аслига тўғри:**

**Н.М.Аюбжонов**  
**Н.М.Аюбжонов**

**Маъсул судья: Аюбжонов Нозимжон Махаммадаминович**

